

«Анъанавий ислом: ҳанафийлик ва мотуридийлик» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди



13:46 / 18.02.2025 976

Шу йилнинг 13 февраль куни Бишкек шаҳрида Қирғизистон уламолари кенгаши томонидан «Анъанавий ислом: ҳанафийлик ва мотуридийлик» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Нуфузли анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги Фатво маркази бош мутахассиси Ҳабибуллоҳ домла Жўрабоев мавзу доирасида маъруза билан иштирок этди.

Ҳабибуллоҳ домла ўз нутқида исломнинг моҳияти, Ханафий мазҳабининг аҳамияти, Мотуридий ақйдасининг афзаллиги хусусида маъруза қилиш баробарида юртимиздаги диний-маърифий соҳадаги ислохотлар, хусусан,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси қошидаги Фатво маркази фаолияти тўғрисида [сўзлаб берди.](#)